


## Касаба уюшмаси ҳаёти

# АҲОЛИ ТАЛАБИГА МОС

**7-автокорхона шаҳримиздаги энг йирик жамоалардан бири. Хўш, бу ерда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш қандай йўлга қўйилган? Ҳайдовчиларга қандай қулай шароитлар яратилган? Жамоатчи мухбиримиз шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида мазкур корхонада бўлиб, унинг касаба уюшмаси раиси Содиқ Усмонов билан суҳбатлашди.**

— Корхонамизнинг ташкил топганига чорак асрдан зиёд вақт ўтди, — дейди Содиқ ака. — Ҳозирги кунда жамоамизда 607 киши меҳнат қилмоқда. Улар турли миллат вакилларидир.

Ҳар тонг 153-160 та машина йўловчилар манзилини яқин қилиш учун автокорхонамиз дарвозасидан шаҳар томон йўл олади.

**— Бу машиналар қайси йўналишларга бўлинади?**

— Улар ўндан ортиқ йўналишда қатнаб Шимолий вокзал, Беруний майдони, Жанубий вокзал, Эски Жўва, Тўқимачилик комбинати, Талабалар шаҳарчаси, Чилонзор метроси, «Ўрикзор» мавзеси, Мустақиллик майдони, Собир Раҳимов метроси, Бешёғоч майдонини бир-бири билан боғлайди. Бу машиналар ҳар куни 90-100 минг аҳолига ҳожатбарорлик қилиб 27-30 минг чақирим йўлни босиб ўтадилар.

**— Йўналиш машъаллари ва уларнинг иш тажрибаси ҳақида суҳбатлашсак.**

— Ҳар бир корхона илғорлари билан фахрланади. 13-йўналишга иқтидорли ҳайдовчи Раҳимжон Акрамов 13 йилдан бери сардорлик қилади. Йўналишга жами 14 та машина бириктирилган. Шулардан 11 таси ДЭУ ВС-106 маркали, салонлари бежирим ва юмшоқ ўриндиқли машиналардир. Ҳайдовчилар «Ал-Хоразмий — Бешёғоч» майдонига бориб келиш учун 33,6 чақирим йўлни белгиланган 2 соатда босиб ўтишга улгурадилар.

Аскарлик хизмат бурчини Афғонистонда ўтаган Аваз Усмонбеков, Шуҳрат Ҳамдамов ва тажрибали ҳайдовчи Олимжон Қорабоевлар йўналишнинг ҳақиқий меҳнат фидойиларидир. От босган изни той босганидек Т. Қосимов, Х. Исматхўжаев сингари ёшлар ҳам улар изидан бормоқдалар.

Хатарсиз юрувчилар устаси Расул Каримов, Адҳам Самиғовлар етакчилик қилаётган 31- ва 125-йўналиш ҳайдовчилари ҳам савобли ишга бел боғлашган. Улар машиналарини техника жиҳатидан пишиқ ва пухта олиб юриш билан бирга иш режаларини дўндириб бажаришмоқда.

Шу ўринда миллион чақирим йўлни машинада босиб ўтган Ренат Енелеев, Шуҳрат Турсунов, Николай Лялинларнинг номларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ ўринлидир. Улар ёш ҳайдовчиларга касбни эъзозлаш ва йўловчилар манзилини яқин қилишда босиб ўтган ҳаёт тажрибалари асосида сабоқ берадилар.

**— Содиқ ака, бозор иқтисодиёти давридаги вақтинчалик қийинчиликлардан чиқиш учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?**

— Биринчи навбатда янги техника кашфиётчиларининг ҳамкорликда ижод қилишларига қулай шарт-шароит яратиб берилмоқда. Машинанинг зарур эҳтиёт қисмлари корхонанинг ўзида тайёрланмоқда. Бу ўринда корхонанинг меҳнат фахрийси Вячеслав Пакнинг иши мақтовга лойиқдир. Қўли енгил ва чаққон таъмирловчилар Б. Холмуҳамедов, Б. Мусаев, М. Ҳожибоев, А. Умаржоновларни ўз касбининг усталари десак муболаға бўлмайди. Ҳайдовчилар томонидан кўрсатилган техник камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, юқори таъмирлов сифатига эришиш бу таъмирловчиларнинг кундалик иш дастуридан ўрин олган.

**— Касаба уюшмаси ишчиларни моддий жиҳатдан қандай ҳимояламоқда?**

— Барча меҳнат жамоалари қатори автокорхонамиз аъзолари ҳам бозор иқтисодиёти қўяётган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишга интилишмоқда. Касаба уюшмаси маъмурият билан келишилган ҳолда автобусчиларнинг турмуш фаровонлигини ошириш чораларини изламоқда.

Кетма-кет келган қўшалоқ байрамларда 17 минг сўмлик совғаларни меҳнат фахрийлари ва илғор ишчиларга туҳфа этдик. Ночор 12 оилага мурувват кўрсатдик. Бир гуруҳ жамоамиз вакиллари «Чортоқ» санаторийсида, «Сўқоқ», «Чинобод» дам олиш уйларида соғлиқларини тиклаб, меҳнат кучоғига қайтдилар. Хуллас, бу йилги ёз мавсумини ҳам мароқли ўтказиш учун қатор тадбирларни режалаштириб қўйганмиз.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.

## Дил тубидан

# ҲУСН ГАВҲАРИ

Баъзан кўчаларда одоб-ҳаёни билмайдиган, катталарнинг юзига безрайиб қарайдиган сурбет болаларни ҳам учратиб қоламиз. Айниқса, транспортларда юзингизга безрайиб қараб сақич чайнайдиган, яна ўша сақичини пуфак қилиб пуфлаб, ёрадиган беҳаё қизларни кўриб ёқа ушлайсиз. Буларни кўриб кўнглингиз ранжийди. Бундай ўғил-қизларни қайси ота-оналар тарбиялаётган экан дейсиз. Лекин сиз уларга қанчалик панд-насиҳат қилманг, улар учун кулгули туюлади. Насиҳатларингиз уларнинг бир қулоғидан кириб иккинчисидан чиқиб кетаверади. Ваҳоланки, гўзал фазилатлардан бири ҳисобланмиш шарм-ҳаё инсон ҳаётини, ҳуснини безовчи гавҳардир.

Тарбия кеча-кундуз олиб бориладиган мураккаб жараён ҳисобланади. Ҳозир ҳар бир одамнинг юмушлари кўп. Айниқса, қўл-оёқларга қараганда асаблар кўпроқ толиқаяпти. Лекин куймаланиб юрган ҳар бир инсон, албатта, фарзандлари учун тирикчилик қилади. Ҳар бир ота-она фарзандларини тарбиялаш, едириб ичириш, кийинтиришдагина деб ўйламасдан уларнинг маънавий камолатларини ҳам ўйласалар нур устига аъло нур бўлур эди. Ҳадиси шарифда айтилганидек - «Аллоҳ наздидаги яхши инсон улдирки, хулқи - одоби гўзалдир».

Шу ўринда бир ҳикоят ёдимга келди. Бир куни Бағдод шаҳрида бир неча бола кўчада ўйнаб юришарди. Шаҳар ҳокими дам олиш ниятида отга миниб ўша кўчадан ўтиб қолди. Ҳоким у ерда кўрингач, бир бола ақлининг муаллимлиги ёрдамида бу ҳолни сезиб, ўрнидан турди ва одоб юзасидан чеккага чиқиб, девор остида турди. Бошқа болалар эса ҳеч нарса сезмагандек ўйнайвердилар, ўйиндан асло тўхтамадилар. Буни кузатиб турган ҳокимга бу боланинг ҳаракати ёқди. У отини бола томонга юргизиб, унинг диққатини ўзига қаратди. Уни имтиҳон қилиб кўриш мақсадида қўлидан узугини чиқариб болаларнинг ўртасига отди ва деди: «Кимки узукни олдинроқ топиб келтирса, шоҳона мукофотлар олади». Болалар узукни қидира бошладилар. Ногаҳон бир бола узукни топиб, ҳокимга келтирди. Ҳалиги бола эса ўз оёғини одоб чегарасидан чиқармай, жойидан қимирламай турарди.

**Ким адаб сурмасидан тортса ҳаё кўзига.**

**Мақсад келинин қилур вафодор ёр ўзига.**

Ҳоким болани кузатиб турар эди. Бу сафар узукни унинг олдига ташлади. Бола эса узукни ердан олиб, чангини артди-да, бир ўпиб, одоб ва ҳаё билан келиб, икки қўллаб ҳокимга тутди. Ҳоким болаларнинг ҳар бирига совғалар улашди. Сўнг навкарларига қараб:

«Бу боланинг ота-онасини топиб, рози қилинг, совғалар улашинг. Болани бизга беришсин, салтанат учун арзийдиган бола экан», — деди. Одобли бола шарм-ҳаёси билан шундай улуғ бахтга эришди.

**Одоб ўз эгасин бир кун еткизар,**

**Иззату обрўга ва саодатга.**

**Одобнинг боғидан терса ҳар ким гул,**

**Ҳаёти тўлади хуш тароватга.**

Қиссадан ҳисса шулки, барча ота-оналар фарзандларини ҳар томонлама етук, комил инсонлар қилиб тарбияласинлар. Токи улар мамлакатимиз, халқимиз равнақи ва келажаги йўлида ҳалол меҳнат қилсинлар.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ,
*131-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.*



## Бир асар тақдири

# ҲАМОН ҲАЯЖОНГА СОЛАДИ

Ўзбекистон кинематографиясининг катта ижодий муваффақиятларидан бири бўлмиш «Алишер Навоий» фильмини яратиш фикри иккинчи жаҳон урушининг энг оғир йили, аниқроғи 1942 йилда туғилган эди. Фильм сценарийси Иззат Султон, Уйғун, Алексей Спешнев, Виктор Шкловскийлар томонидан ёзилган эди. Лекин уруш оқибатида Тошкент киностудиясида содир бўлган бир қанча табиий қийинчиликлар бу ишни ўз вақтида амалга оширишга имкон бермади.

Истеъдодли режиссер, халқ артисти Комил Ёрматов уни суратга олишга урушдан кейин, яъни 1947 йилда киришди. Фильм фақат Ватанимиздагина катта шуҳрат қозонмай, балки чет эл кино ишқибозларининг ҳам эътиборига тушди. Жумладан Венгрияда чиқадиган «Гону Домозок Лапья» газетасининг 1948 йил 17 декабрь сонида, шунингдек Польшада чиқадиган «Трибуна работница» газеталарида ушбу фильм тўғрисида илиқ гаплар айтилган мақолалар босилган эди. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли, ижоди, фаолияти ва тақдири акс эттирилган бу фильмда кўпгина таниқли ва истеъдодли актёрлар қатнашган эдилар. Жумладан таниқли санъаткор, халқ артисти Раззоқ Ҳамроев Навоийнинг жуда ёрқин ва таъсирчан образини яратишга эришди.

Ўзбек киносининг истеъдодли намояндаларидан бири Асад Исматов Алишер Навоийнинг дўсти, султон Ҳусайн Бойқаронинг ички дунёсини, қарама-қаршиликларга тўла бўлган характерини маҳорат билан очиб беришга муваффақ бўлди. Яна бир суюкли санъаткоримиз Раҳим Пирмуҳамедов фильмда кичик, лекин эсда қоларлик роль - ошпаз Абумалик ролини ижро этди. Соат Толипов эса Ёдгор Мирзо ролини тўлақонли ўйнади.

Фильм учун ажойиб декорацияларни рассом В.Еремян яратган. Фильмни суратга олишда тасвирчи М.Краснянский ўзининг бутун маҳоратини ишга солди. Композиторлар Р.Глиэр ва Т.Содиқовлар фильм учун ўзбек халқ музикаларидан фойдаланиб ажойиб мусиқалар яратдилар.

Фильмни яратишда иштирок этган бир гуруҳ ижодкорлар, жумладан режиссёр Комил Ёрматов, актёрлар Раззоқ Ҳамроев ва Асад Исматовлар Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

Ушбу фильмни ҳозир ҳам ҳаяжон билан томоша қиламиз. Бу эса унинг ўлмас меросимиз эканлигидан далолатдир.

Саодат ТЎЛАГАНОВА,
*Ўзбекистон Республикаси кино, расм ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архиви бўлим бошлиғи.*
*СУРАТЛАРДА: фильмдан лавҳалар.*



## Инсонийлик фазилатлари

# БОҒИ ЭРАМ КАЛИТИ

Азиз фарзандим, сенинг бу дунёга келишингга сабабчи бўлган ота-онангга ҳурмат ва итоатда бўл. Яхши фарзандлар ота-онасининг ҳақларини оқлашга — адо этишга доим ҳаракат қиладилар. Чунки улар сени тарбия қилиб вояга етказдилар, сени деб машаққатлар чекдилар. Сенга ҳеч вақт ёмонликни раво кўрмайдилар. Бахтли-саодатли бўлишингни истайдилар. Демак, бу улуғ зотларнинг иззат-ҳурматларини эъзозлаш учун ғайрат қил. Уларни ранжитма, очиқ юзли, ширин сўзли бўлгин, ҳар доим ҳолларидан хабар олиб тур, ҳеч вақт муҳтожликда қолдирма, ўзингдан рози қил, дуоларини олгин. Ана шунда ўзинг ҳам иззат ва шарофат кўрасан.

Биз фарзандларнинг ота-она олдида бажарадиган вазифаларимиз серқирра, бу эса улкан масъулият юклайди. Лекин умр бўйи хизматларини бажо қилсак ҳам денгиздан бир томчидек бўлади, холос. Билсангиз, уларнинг кўнгли жуда ҳам нозик бўлади. Шунинг учун айттирмасдан, истакларини сезиб олишимиз керак. Гап бу ерда, асосан, ота-она розилиги ҳақида бормоқда. Ота-она рози бўлса, икки дунёинг обод ва мукаррам бўлади, унасан, обрў топиб, ўзингдан кўпаясан. Эл орасида қадр-қиммат топасан. Ҳаётинг фаровон, фарзандларинг меҳрибон бўлади.

Аксинча норози бўлсалар — кўкармайсан ҳам, унмайсан ҳам. Одамлар орасида яшаб ҳурмат қозонмайсан. Яшаш лаззатларидан маҳрум бўлган ҳолда, одамлар назаридан қоласан, бу эса ниҳоятда беадад азобу уқубатлар гирдобида қолиб кетиш демакдир.

Фарзандлар ота-она чақирганларида «лаббай» деб жавоб беришлари керак. Ота-она қачонки: «Эй фарзанд, бемалол ўлтиринг» десалар ана шунда, бемалол жойлашиб ўлтириши мумкин. Дастурхон устида ота-оналардан олдин овқатга қўл чўзмасликлари лозим. Даставвал ота-она бошлаб, «Қани олинглар, болаларим», деганларидан кейин тановул қилиш мумкин. Ота-онангга тик боқиш, баланд овозда гапириш, ўргатиш, жеркиб ташлаш, назарписанд қилмаслик одобдан эмас.

Ота-она фарзандларига нимани раво кўрса, миннатдор бўлиб олмоқликлари даркор.

Ота-оналар қариган вақтларида уларга эътиборсиз бўлмайлик. Айни бизга кўрсатган мурувватлари ҳисобига хос меҳрибон, дардларига малҳам, елкадош, сирдош, суянчиқ бўлайлик, кўнгилларига қараб иш тутайлик. Ҳар куни эрталаб, дуоларини олиб, кечки пайт ишдан қайтган вақтимизда тўппа-тўғри улар олдига келиб, салом берайлик, ҳол-аҳвол сўрашайлик, сўнгра уйимизга, оиламизга ўтайлик. Ўзимизга бирор кийим-бош олишдан олдин ота-онамиз кийим-бошига разм солайлик. Олдин уларга, сўнгра ўзимизга олайлик. Ҳар доим ҳушёр бўлиб уларнинг ҳолидан хабардор бўлайлик. Уларни таомиллантириш ва либослантиришимиз керак. Биз ўзимизга нималарни ёқтирсак, ўша нарсаларни олдин ота-онамизга ҳам раво кўришимиз керак. Чунки ота-она бизлар учун посбон, уйимизнинг ақл чироғи, баракаси, кўрки, имон-эътиқод намунаси бўладилар.

Афсуслар бўлсинки, ҳозирги пайтда ота-она қадрига етмай юрган айрим фарзандлар ҳам учрайди. Яхши едириб-ичирмасалар менсимай қўядилар. «Пул топиб берасан», деб дўқ-пўписа ҳам қиладилар. Кўп ҳолларда уйланиб олгач, ота-оналарини эсдан чиқарадилар. Ёки бўлмаса ҳовли, уй-жой талашиб, норози қилмоқдалар. Айримлар эса ҳамма нарсани муҳайё қиладилару олдиларига кириб, ҳол-аҳвол сўрашиб, ота-она қалбига қулоқ солишга вақт топа олмайдилар.

Эй фарзанд, сенинг бойликларинг эмас, сенинг ўзинг кераксан уларга. Уларга оқибатли бўл. Қани сендаги ота-онага бўлган меҳринг, фарзандлик саховатинг? Баъзи ноқобил фарзандлар улуғ зотларни қариялар уйига ташлаб кетмоқдалар. Вафот этганларидан сўнг катта-катта ош дамлаб обрў орттирмоқчи бўладилар, бу билан гўёки ота-оналар ҳурматини ўрнига қўядилар. Бундай кимсаларга халқимиз бир сўз билан «оқпадар» деб баҳо бериб қўя қолади.

Қизлар турмушга чиққанларида, янги хонадон соҳиблари — сени тарбия қилган ота-онангга раҳмат — десалар, бу катта бахт ва иқболдир. Ва ота-оналарга билдирилган истиғфор ўрнига ўтади. Шундай олқиш олаётган қизларимиз беҳисобдир. Бу олқишлар ота-она ороми, шодлиги, бойлиги ва бахтиёрлик муҳридир. Замонамизнинг фаровонлиги ва тинчлиги шулар шарофатидандир. Чунки ота-онага қандай муносабатда бўлсанг, фарзандлар ҳам сенга шундай мурувват кўрсатадилар.

Демак, ота-она розилиги — боғи эрам калитидир. Шундай саодатни ҳаммамизга Аллоҳнинг ўзи насиб этсин. Барчамизни яратган ҳожам ҳидоят йўлига бошласин.

Билол МАҲМУДОВ.

## Пойтахтимиз жамоли

# ШАҲРИМИЗ ФАВВОРАЛАРИ ЯНГИЛАНМОҚДА

**Ўлкамизда жазирама ёз фасли давом этмоқда. Мана шундай пайтда аксарият ҳамшаҳарларимиз ўзларининг дам олиш вақтларини шаҳар ташқарисида, тоғ ёнбағирларида ўтказишга ҳаракат қиладилар. Лекин бунга имкони бўлмаганлар ишдан сўнг, кечки пайтлари соя-салқин боғларга, фавворалар атрофига борадилар. Шундай экан бугунги кунда шаҳримиздаги фавворалар аҳволи қандай? Бизнинг шаҳар тик қувурлар ва фавворaларни ишлатиш махсус бошқармаси бошлиғи Босит ака Ҳошимов билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.**

— Бизнинг бошқармамиз шаҳардаги ўн иккита фаввораниi ишлатади, — дейди Босит ака, — А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғидаги, Ҳадра майдони, адабиёт музейи олдидаги, Шимолий шоҳбекатдаги йирик фавворалар шулар жумласидандир. Буларнинг дастлабкилари 1947—48 йиллари қурилган бўлса, айримлари 1992 йили бунёд этилди. Кўпчилиги кўҳна бўлса-да бироқ иложи борича ҳаракат қилиб мавсумга тайёрлаб уларни ишлатяпмиз. Фаввораниi қуришдан мақсад ўша атрофдаги майдонга намлик, салқинлик бериш, сув заррачалари орқали микроиқлим яратишдир.

Эрталаб етти-саккизларда ишни бошлаб кечқурун ўн-ўн бирларгача фавворaларни ишлатамиз. Ҳозирги кунда баъзи бирларини таъмирлаш ишлари билан шуғулланяпмиз. Лойиҳа ҳужжатлари тайёр.

**— Шаҳримизда ҳозир жуда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Янги фавворалар қурилиши ҳам мўлжалланганми?**

— Аслини олганда бизнинг иқлим шароитимизда фавворалар қанчалик кўп бўлса шунчалик яхши. Охирги ишга туширилганларидан Ҳамид Олимжон майдонидаги, Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғидаги, «Туркистон» саройи, Мустақиллик майдонидаги фавворалар албатта кўзни қувонтирадиган даражада жуда чиройли қурилган. Ҳозир янгиланаётганларидан биттаси — қайтадан қуриляпти десак ҳам бўлади, Гагарин боғидаги янги учта фаввора ишга тушириладиган бўлиб турибди. Мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги арафасида шу уч фаввора боғга кўрк бағишлайди.

**— Ҳозир айни ёз чилласи, жазирама иссиқ. Болаларнинг фавворaларда чўмилаётганларини ҳам кўряпмиз...**

— Албатта, болаларимиз учун қанча шароит яратсак ҳам кам. Лекин бир нарсани илтимос қилардикки, иложи борича фавворaларда чўмилишмаса. Сабаби, биздаги фавворaларнинг ишлаш усули шундайки, сувга тортиб кетиш хавфи ҳам бор. Сув ҳавзаси очиқ бўлганлигидан унинг ифлосланиши натижасида юқумли касалликлар пайдо бўлиши мумкин. Биз эса ўз навбатида сувнинг тозалик ҳолатига қараб уни ҳар бир ҳафта-ўн кунда алмаштириб турибмиз.

Суҳбатдош Султонмурод УМАРОВ.

## Маданият хабарлари

### МУСИҚАГА БОЙ ТОМОША

Республика қўғирчоқ театри ижодий жамоаси саҳнага олиб чиққан янги «Шум тулкича» спектакли шаҳримиздаги Фурқат маданият ва истироҳат боғида жажжи театр шинавандаларига ҳавола этилди. Қувноқ саргузаштлар ва мусиқаларга бой саҳна томошасини боққа таклиф этилган шаҳримиз мактаб ўқувчилари, Миробод туман мактабгача тарбия муассасалари ҳамда тумандаги меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари катта қизиқиш билан кутиб олдилар.

### ДАВРАДА ФАҚАТ ЁШЛАР

Мирзо Улуғбек маданият ва истироҳат боғи «Даврада фақат ёшлар» деб номланган янги дастурини намойиш этди. Шаҳримиз ёшлари, мактаб ўқувчилари таклиф этилган мазкур концертда ижодий жамоа ўзбек, рус, афғон, эрон халқ эстрада қўшиқлари, шўх-шодон мусиқалар билан тўпланганларни хушнуд этдилар. Ёшлар фараҳбахш оқшом сururидан хушнуд бўлиб, севги, вафо, муҳаббат тараннум этилган дилрабо қўшиқларни тинглаб ҳордиқ чиқардилар.

### САМО ПИЁДАЛАРИ

«Гулистон дорбозлари» миллий цирк гуруҳи ҳам ўзининг «Само пиёдалари» деб номланган янги дастурини Мирзо Улуғбек маданият ва истироҳат боғида намойиш эта бошладилар. Дор устидаги кўз боғлаб ижро этилаётган ҳайратомуз томошалар, ўйинлар, масхарабозларнинг карнай-сурнай садолари остидаги ичакузди томошалари, полвонларнинг маҳорат билан ижро этаётган машқлари дорбозлик санъати ишқибозлари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

Санобар ҚОДИРОВА.

## Ибратли ҳикоятлар

### ЯНГИ ҚЎШНИ

Водийга кетаётганимда бир отахон билан танишиб қолдим. Ёшликдан деҳқончилик билан шуғулланиб келар экан. Юз-кўзларидан нур ёғилиб турибди. Ширинсуҳан инсон экан. Гапимиз гапимизга қовушиб кетди.

— Хўп десангиз, ўғлим, — деди отахон, — мен сизга бошимдан ўтган бир воқеани сўзлаб берай.

Отахон оғир хўрсиниб қўйди-да, сўзлай бошладилар.

— Менинг ён қўшним ҳовлисини сотиб, кўчиб кетди. Кўринишидан бир бамаъни йигит қўшни бўлиб келди. Орамизда девор урилмаган, фақат ҳовлиларимизни ўртадан оқиб ўтадиган катта ариқ ажратиб турарди. Бир куни кўрсам, янги қўшним калта иштон билан яланғоч ҳовлида айланиб юрипти. Мен ўғил-қизларим, келинларим олдида уялиб кетдим. Секин қўшнимнинг олдига бориб:

— Қўшни, хафа бўлмайсиз, бир гап айтай, — дедим. — Бунақа юришингиз бола-чақа, келин-кават олдида сира тўғри келмайди. Ўзингизнинг ҳам ўғил-қизларингиз бор...

— Ёқмаса девор олақолинг, — деди у.

— Истагингиз, — дедим ноилож. Ундан сира ҳам бу гапни кутмагандим.

— Майли, мен розиман. Бўлмаса келишиб олайлик, — деди у. — Девор урсак харажати ўртада бўлиши керак. Сизнинг бола-чақангиз кўп экан. Сиз рози бўлсангиз деворни ўзим кўтараман. Лекин битта шартим бор: деворни шу ариқнинг сиз тарафидаги бетидан оламан.

— Режа бўйича бу ариқ менга қарайди, — дедим.

— Ҳамма гап шунда-да, отахон. Сиз уриниб қолманг, хизмат мендан бўлсин-да, — деди. Қиёмат қўшним деб рози бўлдим. Тез кунда девор уриб олди. Ариқнинг ҳисобига қўшним ҳовлиси анча кенгайиб қолди. Кейинчалик ариқни ҳам кўмиб, ҳовлисига қўшиб юборди.

Бир куни кенжа ўғлимнинг айби билан икки машина тўқнашиб кетибди. Кўчадан ўтаман деб шошибди, тинчимагур. Битта машинага деярли ҳеч нима қилмаган, бири анча шикастланибди. У «Машинамни таъмирлаб берсанглар, ҳеч қандай даъвоим йўқ, отахон», — деди. Қўшни бу гапдан хабар топиб, кириб келди.

— Ҳаммасига пул керак, пул, — деди у ва қўлимга пул тутқазди. — Керак бўлса, сўрасангиз яна бериб тураман.

Икки кун ўтибоқ яна олдимга келди ва гап бошлади:

— Отахон, кичкинагина бир илтимосим бор. Сиз тарафингизга ҳам уй қурмоқчиман. Шу, йўқ демасангиз икки ғишт ўрнини ҳовлингиздан олсам, кетса яна ярим метр кетади-да. Кечаги пулни қайтармасангиз ҳам майли.

Дўппи тор келиб қолганда нима ҳам қила олардим. Розиман дейишга мажбур бўлдим.

— Яшанг отахон, мен сизни ҳали яна рози қиламан, — деб чиқиб кетди.

Гапнинг индаллосини айтсам, машинани тузатиб бердик, ортиқча гап-сўз бўлмади. Ўғлим ишлаб юрибди. Ҳозир шу ўғлимни уйлантириш ғамидаман.

Қўшним катта ўғлимдан берган пулини қайтариб олибди ва шундай дебди: Пулни олганимни отангга айтмай қўяқол, ўғил боласан-ку. Оталар қарзини болалар узади. Отангга писанда бўлиб қолмасин.

— Ўғлимга раҳмат, жуда хурсанд бўлдим. Бундайлардан қишда қор сўраманг болам. — Отахон чуқур сўлиш олди. Лекин бир нарсага хафаман, ўғлим. Бошингга оғир мусибат тушганда, сенга ҳамдардлик билдириб, ўз манфаатини ўйлайдиган одамлардан ёмони бўлмаса керак.

Мен бўлсам нима дейишимни билмай «Ҳеч қайси бандаларингга шундай қўшнини раво кўрмагин», деб Аллоҳга муножот қилдим.

### ТАЪМАГИР

Бир дўстим хусусийлаштирилган катта бир дўконда мудир ўринбосари бўлиб ишлар эди. Дўкон ёнидан ўтиб кетаётиб, у билан учрашиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Кайфияти бузилган, диққат бўлиб турган экан.

— Нима гап, тинчликми? — деб кўнгил сўрагандим, — Эҳ, одамларга ҳам ҳайронман. Савоб оламан деб гуноҳ қилишади. Ўзинг биласан бизнинг жамоамизда 100 дан ортиқ ходимларимиз бор. Ҳаммамиз аҳил ва баҳамжиҳат меҳнат қилиб келмоқдамиз. Эшитган бўлсанг, мудиримиз яқинда иш вақтида ўз хонасида тўсатдан юрак хуружидан вафот этди. Ўлим бемаслаҳат келади. Ўзига тўқ хонадондан бўлса ҳам ходимларимиз билан келишиб ёрдам уюштирдик. Ҳам хизмат, ҳам тухмат экан, оғайни. Уч кун олдин катта хотинлари келиб ҳаммамизни хуноб қилиб юборди:

— Ўша куни эримнинг чўнтагида 300 доллар пули бор эди. Қайтариб беринглар, — деб шовқин кўтарди.

— Виждонингиз борми? Ўлганнинг чўнтагини ковлаштириш хаёлимизга ҳам келмаган-ку. Сизнинг эрингиз бўлса, бизларнинг хўжайинимиз эдилар. Ўйлаб гапираяпсизми, ўзи? — дедик.

Барибир у беорларча ҳақорат қила бошлади:

— Сулаймон ўлди, девлар қутулди бўпти-да! Мудирингиз ҳаёт бўлганида ҳаммангиз хизмат борми, келинойи, деб остонамга бориб турардиларинг. Энди шунақами? Сенларга ишониб бўладими? Пул деса отангни ҳам сотиб юборасанлар-ку.

Илон пўст ташлайдия гапларига. Ҳаммамизнинг дилимиз ранжиди, ихлосимиз қайтди. Ўша хонадонга бўлган ҳурматимиз йўқолди.

Қуруқ туҳматдан ўзинг асрагин, деб ўтирган эдим ярим соат муқаддам мудиримизнинг акаси мана бу кўрсатмани ташлаб кетди.

Оғайним қўлидаги қоғозни қўлимга тутқазди. Кўз югуртириб ҳайрон бўлиб қолдим. Рўйхатда туздан тортиб ҳар хил сувларгача ёзилганди.

— Нима, тўй қилаяпсизларми? — деб сўрадим. — Рўйхатдаги бу маҳсулотларга 1000 кишига катта зиёфат берса бўладику?

— Қизиқчилик қилма, дўстим. Тўй эмас мудиримизга йигирма қилишар экан. «Раҳбарингизнинг ҳурмати бўлса, шуларни муҳайё қилиб, элтиб беринглар» дебди. Данғиллама участкалар, хонадон соҳибларининг ҳаммасида, ҳатто фарзандларда ҳам катта-кичик енгил машиналари бор. Устига-устак молхоналарда ўнлаб қўйлар, қора моллар пишқириб ётибди. Ака-укалари ҳам топармон-тутармон. Ана шунақа гаплар. Бошим қотиб қолди: нима қилай ахир?

— Ақл билан иш қилгин. Виждонинг нимани буюрса, шуни қилгин, — дедим.

— Ҳақ гапни айтдинг. Хафа бўлса, бўлишар. Ҳамма нарса ўз ўрнида бўлиши керак.

Таъма гуноҳи азимлигини шу одамлар билмасмикин?

Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ.

Абай Қўнонбоев қозоқ маданияти ва адабиётига, тил тараққиётига катта ҳисса қўшган, ўз халқига илм-маърифат тарқатиш учун, элнинг озод ҳаёт кечираётганини кўриш учун, халқнинг қонини зулукдек сўраётган бий-бўлисларга, отасига қарши чиқиб, шахсий манфаатларидан буткул воз кечган маърифатпарвар шоирдир.

Семей вилоятига қарашли Чинғиз овулида 1845 йили дунёга келган Абай Қўнонбоев дастлаб мусулмонча бошланғич мактабда, сўнг ўн ёшида диний мадрасада таълим олади. Бироқ мадрасадаги эскича ўқиш услуби бўлажак шоирни қаноатлантирмайди. У ўша кезларда кенг тарқалган Ўрта Осиё ва Озарбайжон халқларининг буюк сиймолари — Навоий, Низомий, Фирдавсий асарларини яширинча ўқиб-ўрганади. Улар асарларидаги мурувват, инсонпарварлик, дўстлик ғоялари, XV асрдаги даҳшатли воқеаларнинг юзага келиши ва кўп кишиларнинг адолатсиз тузумдан хонавайрон бўлиши Абайни қаттиқ ҳаяжонга солади. Қозоқ халқини қоронғуликдан олиб чиқадиган бирдан-бир тўғри йўл ўқиш, илм-

Абай Искандарга қарши донишманд Аристотель тимсолини қўйиб, ўзини ўша донишманд тарафида эканини кўрсатади. Донишманд сўзи ўрнида, ўз фикрларини баён қилган Абай босқинчи подшога қарши чиқади. Абай Искандарнинг мансабпараст, қизғанчиқ тимсолини ўқувчи кўз олдига келтиради. Ўз халқи ҳаётини теран ўрганган Абай қозоқ халқини ўзбек халқи билан дўст бўлишга, ундан ўрганишга чақиради. Масалан, «Нақл сўзлар» ичига кирган «Иккинчи сўзи»да: «Қараб турсин, — дейди Абай, — ўзбекнинг экмаган, тикмаган экини йўқ, чиқармаган меваси йўқ, савдогари юрмаган ери йўқ, қилмаган касби йўқ...». Шундай хосиятлари билан улар қозоқдан илгарилаб кетган деган фикр билдиради. Ўзбек ўзини-ўзи ёвлашмайди, шаҳарда, бир ерда тинч-тотув яшайди ҳамда у қозоққа яхшилик қилиб келган. Россия босиб олганга қадар қозоқнинг ўлигига кафан, тиригига кийим етказиб турганлиги учун ҳам уни калака қилиб бўлмаслигини айтади, у халқ билан дўст бўлиб, ўрганишга чақиради.



*Абай Қўнонбоев туғилган*

*куннинг 150 йиллигига*

# ҚОЗОҚ ЭЛИНИНГ КУЙЧИСИ

фанни эгаллаш деб тушунди. Маърифатпарвар шоир халқлар ўртасидаги биродарлик ва дўстликни мустаҳкамлаш ғоясини туғ этиб кўтарди.

Шарқ маданиятини ўрганган ва Навоийни ўқиган Абай қозоқ адабиётини «Маъсуд», «Азим қиссаси», «Искандар» каби достонлари билан бойитди. Бу асарлар ўша вақтда замонавийлиги, бадиийлиги билан қозоқ адабиётида ўзига хос кашфиёт эди. У кўп шеърларини бармоқ вазнида ёзди. Қофиялаш усуллари доирасини кенгайтирди. Қозоқ адабиётига рубоий, ғазал жанрини олиб кирди. «Елсиз тунда ёруғ ой», «Сен мени нетасан», «Бир сулув қиз бўлибди хон қўлида», «Куз», «Қиш», «Татьяна хати» каби лирик асарларида чин инсоний севгини куйлайди, кишиларнинг бахт-саодати учун қайғуради. Инсоф ва адолат ўрнатилишини орзу қилади. Кишиларни жамият учун фойдали ишлар билан шуғулланишга, билим ва касб-ҳунар эгаси бўлишга чорлади.

Навоий «Хамса»си ўзбек, тожик, озарбайжон адабиётининг ривожланишида катта роль ўйнаган бўлса, қозоқ адабиётига ҳам самарали таъсир этади. Абай Навоий асарлари асосида «Искандар» достонини ёзди. Навоий яратган Искандар ўз мамлакатида тинчлик ва адолат ўрнатади, халққа енгилликлар беради. Абай эса Искандарнинг босқинчилик ҳаракатларини фош этади. Унинг кўзи тўймайдиган қаноатсизлик, инсонга ёт феъл-атворини танқид қилади.

Абай — қозоқ халқи мусиқа санъатига, ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган санъаткор. Абай — бастакор. У ўз шеърлари учун куйлар ижод қилган. Шу билан бирга Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърий романини қозоқ саҳросида сўзлатган таржимон ҳамдир. У «Нақл сўзлар» деб шуҳрат қозонган прозаик асарини биринчи ёзган ёзувчидир.

Ҳамиша дўстликни, ҳамжиҳатликни улуғлаб, тарғиб қилиб келаётган Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида: «Биз — бешта қудратли шохи бирлашиб кетган улкан чинорни минтақамиз белгиси, рамзи қилиб танлаганимизда катта маъно бор. Бизнинг — тожик, туркман, қирғиз, қозоқ ва ўзбекларнинг тарихий бирлигимиз, маънавий бирлигимиз, маданий бирлигимиз, диний бирлигимиз, бир сўз билан айтганда, чинакам инсоний бирлигимиз ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ», — деган эди.

Ҳақиқатан ҳам ўзбек билан қозоқ халқининг бирлиги жуда қадим тарихга бориб тақалади. Бир дарёдан сув ичиб, қуда-анда бўлиб келган икки қондош, жондош халқ вакилларининг Алматида дўстона учрашуви улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётганидан гувоҳлик беради.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ,
*Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси.*

## АБАЙ ҲИКМАТЛАРИ

**Инсон бўламан деб интилган ёшларга бешта фазилат жуда зарур, булар — меҳнатсеварлик, аниқ мақсадга интилиш, кенг тафаккур, қаноат ва раҳм-шафқат. Ёшлар бешта бад қилиқдан қочмоқлари зарур, булар — ёлғон сўзлаш, бировни масхаралаш, мақтанчоқлик, ялқовлик, текинхўрлик.**

* * *

**Илм — хазина, илм — дунё.**
**Қалбингизга жо қилинг.**
**Олимларнинг баҳсига**
**Муҳаббат-ла интилинг!**

* * *

**Ўланни мен ёзмайман эрмак учун,**
**Бору йўқни эртак қилиб термак учун.**
**Қалби пок, доно, зийрак, йигит-қизлар,**
**Ўргансин деб ёзаман ўрнак учун.**

* * *

**Мақсадим — тил ўрганмоқ, ҳунар сочмоқ,**
**Нодоннинг кўзин очмоқ, кўнглин очмоқ.**
**Ўрнак олсин сўзимдан ёш йигитлар,**
**Ўгитим — халқнинг нафи бошдан оёқ.**

* * *

**Мақтов кувма, билим кув ўйсизларга қўшилмай.**

* * *

**Илм топмай мақтанма,**
**Ўрнинг топмай бошланма,**
**Хуморланиб шодланма,**
**Қуруқ ўйнаб-кулишдан.**

* * *

**Бирлик — ақлу тафаккур учун бўлса афзалдир.**
**Мол-дунё учун бўлган бирлик — бирлик эмас.**

◆ Ислом қуввати, Ер юзидаги етти шарифнинг бири — Бухорои шариф ислом дунёсидаги иккинчи Маккаи мукаррама, азалдан Мовароуннаҳр дин оламининг пойтахти бўлган.

◆ Етти иқлимга донғи кетган Бухорода улкан тасаввуф мактабини яратган Юсуф Ҳамадоний 95 йил умр кўриб 38 марта Мовароуннаҳр ҳудудидан пою-пиёда Каъба зиёратига борган. Уни пир тутган муридларидан 213 таси машҳур шайхлардир.

◆ Мовароуннаҳр ҳудудида энг дастлабки масжид 713 йилда араб қўшинлари қўмондони Қутайба томонидан қурилган. У Бухорода — Зардуштийлар ўрнашган жойда бунёд қилинган.

◆ Марказий Осиёдаги биринчи мадраса Самарқандда барпо этилган Улуғбек мадрасасидир. Унинг пештоқига битилган ёзувдан маълум бўлишича, бу илм даргоҳи 1420 йилда қурилган. Мадрасада Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий каби ўз замонасининг улкан олимлари толиби илмларга сабоқ беришган.




◆ Имом Ал-Бухорий ислом дунёсида ҳадис илмида «Амир ул-мўминийн», «Имом ал-муҳаддисийн» («Барча муҳаддисларнинг пешвоси») деган шарафли номга сазовор бўлган, алоҳида эътиборга молик буюк алломадир. Унинг шоҳ асари «Саҳийҳ ал-Бухорий» бўлиб, асарга киритилган ишончли ҳадисларнинг сони такрорланадиганлари билан бирга 7275 та, такрорланмайдиган ҳолда эса 4000 ҳадисдан иборат. Асар ёзилганига 1200 йил тўлганига қарамай, ўша даврдан бошлаб ҳозиргача ислом таълимотида Қуръони каримдан кейинги иккинчи ўринда турадиган асосий манба сифатида юқори баҳоланиб келмоқда. Барча мадрасаю дорилфунунларда алломанинг ўлмас асарлари пайғамбар алайҳиссалом суннатлари бўйича асосий қўлланма — дастуриламал ҳисобланади.

Инобат МИРЗАЕВА.




*Мустақиллик мевалари*

## ГЕРМАНИЯГА КЕТАЁТГАН ОЛИМ

**Республикамиздаги илмий-тадқиқот институтларида фаолият кўрсатувчи олти ёш олим ўз изланишларини давом эттириш учун Германияга йўлланма олишди. Шулардан бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Микробиология институтининг физиологик фаол моддалар биокимёси ва биотехнологияси тажрибахонаси илмий ходими Аҳрор Акбаровдир.**

— Илмий фаолиятим давомида Германиянинг Гёттинген университети қошидаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти профессори Герхард Вольф билан ўзаро илмий алоқалар олиб борардим, — дейди Аҳрор. — Чунки у кишининг тажрибахонасида олиб борилаётган илмий изланишлар менинг изланишларимга деярлик мос эди, шу туфайли Герхард Вольф қўлида тажриба орттириш орзуси туғилди. У ҳам мени ўзига таклиф эта бошлади. Бу борада менга Германиядаги ДААД (Немис академик тажриба алмашиш) жамғармаси моддий жиҳатдан ёрдам берадиган бўлди. Белгиланган бир йил муддатнинг дастлабки икки ойи тил ўрганиш, қолгани эса илмий фаолият билан ўтиши мўлжалланган.

**— Илмий фаолиятингиз қандай натижаларни мақсад қилиб қўйган?**

— Маълумки, пахта етиштириш республикамиз қишлоқ хўжалигининг асосини ташкил этади. Лекин бу ўсимликнинг вильт касаллигини бартараф этишдаги ҳаракатлар ҳали ўзининг тўла ижобий натижаларини бермаган. Вильтни пайдо қилувчи тупроқдаги замбуруғлар ғўзанинг илдизига кириб олиб, уни еб яшай бошлайди. Ғўза ҳам айни пайтда замбуруғга қарши кураш учун махсус ферментлар ажратиш йўли билан ўз иммунитетини ишга солади. Лекин кўп ҳолларда ана шу иммунитет замбуруғига қарши курашда енгилади ва ғўза ҳали чаноқлар очилмасдан курий бошлайди. Менинг илмий изланишларимдан кутаётган мақсадим ғўзанинг замбуруғга қарши кураш кучини оширишдир. Бунда ғўза ўзининг замбуруғ таъсир этган жойини чегаралаб уни «оч қолдиради» ёки замбуруғни ўзидан қисиб чиқаради.

**— Германияда...**

— Нима демоқчи бўлганингизни тушундим, тўғри, Германияда пахта етиштирилмайди. Уларда шу каби тажрибалар бошқа ўсимликларда ўтказилади. Лекин иккала томондаги тадқиқотларнинг механизми бир-бирига мос. Шунинг учун улар тажрибаларини келажакда ўзимизда сабзавот етиштиришда, хусусан, помидор, булғор қалампири, бақлажон кабиларда синаб кўриш ниятим бор.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ
ёзиб олди.



*Миллий халқ томошалари болалар ижросида ҳам ўз жозибасини йўқотмайди.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

## «АДИДАС» ҒОЛИБОНА ОДИМЛАЙДИ

*Савол сиздан — жавоб биздан*

**Германиядаги «Адидас» фирмаси ва у ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ҳақида билишни истардик. Шу ҳақда ҳикоя қилишнинг иложи борми?**

**Нуъмон ДОНИЁРОВ,**
**талаба.**

Бунинг ҳаммаси бундан 75 йил илгари бошланган эди. 1920 йилда Бавариянинг Херцогенаурах деган кичкина шаҳарчаси этикдўз ва спорт ишқибози Ади Дасслер ўз қўли билан биринчи марта югуриш учун шиппак тикди. Ўшанда орадан йиллар ўтиб, унинг номи ҳам, пойабзаллари ҳам машҳур бўлиб кетишини у ўйламаган эди.

1925 йилда ёш этикдўз тагида чарм михчалари бор футбол бутсилари ва югурувчилар учун шиппак яратди. 1928 йилда Амстердам шаҳрида бўлиб ўтган Олимпиадада спортчилар Дасслернинг туфлиларини кийиб, мусобақага тушадилар. Яна уч йилдан кейин теннисчилар учун махсус оёқ кийимлари яратилди.

1932 йилда 100 метрга югуришда Ади Дасслернинг «шиппаги» биринчи бронза медалига сазовор бўлди.

1936 йилда икки воқеа рўй берди: Ади Дасслер хонадонида биринчи ўғил Хорст туғилади; Берлиндаги Олимпиадада югурувчи Жесси Оуэнс устанинг махсус шиппагида бирваракайига тўртта олтин медални қўлга киритади.

1948 йилда этикдўз ўз фирмасини қайта тузди. Фирма «Адидас» (исм ва фамилиянинг биринчи учтадан ҳарфи) номини олади. Дасслер ўз маҳсулотлари машҳури жаҳон бўлиши учун тинмай изланади. Умуман уста 700 кашфиётнинг муаллифидир. Унинг энг ажойиб ихтироси бу пойабзалдаги учта чарм чизиқлардир. Ушбу чизиқлар 1949 йилдан «Адидас»нинг ташриф қоғозига айланди.

1952 йилдаги Олимпиадада спортчиларнинг жуда кўпчилиги «Адидас» кийишганди. Шу йили чарм спорт сумкалари ишлаб чиқарила бошланди.

1954 йилда тагида михчалари бор бутсилар чиқа бошлади. ГФР футболчилари айнан шу бутсиларда жаҳон чемпиони бўлишди.

1956 йилда йигирма ёшли Хорст Мельбурн Олимпиадасига келиб, спортчиларга пойабзал совға қилди. Бу ўзига хос реклама ниҳоятда катта шов-шувга сабаб бўлди. «Адидас» жаҳон спорт бозорини эгаллай бошлайди. Айнан шу йилдан бошлаб спорт маркетинги ва рекламаси туғилади.

1953 йилда фирма футбол тўплари ишлаб чиқара бошлади. 1964 йилда оғирлиги бор-йўғи 96 грамм келадиган югурувчилар учун шиппаклар яратилди ва ҳоказо.

1967 йилда биринчи бор учта қизил чизиқчаси бор «Адидас» спорт костюмлари яратилди. Шу йили товонни эҳтиёт қилувчи кроссовкалар ҳам дунёга келди.

1970 йилда футбол бўйича жаҳон биринчилигининг махсус тўпи яратилди.

1978 йилда Ади Дасслер вафот этди. 1984 йилда унинг беваси Кэтэ Дасслер ҳаёт билан хайрлашди. 1987 йилда 51 ёшида уларнинг катта ўғли Хорст ракдан вафот этди.

«Адидас» фирмаси бу уч йўқотишдан кейин чўкиб қолди. Ҳозир «Адидас» фирмаси француз Робер Луи-Дрейфус бошчилигидаги бир гуруҳ инвесторлар қўлида. Фирма ўзининг қаддини ростлаб олди. Унинг йиллик савдо ҳажми 3,2 миллиард долларга етди.

«Адидас» яратган пойабзалларни Лев Яшин, Валерий Борзов, Василий Алексеев, Эмил Зотопек, Боб Бимон, Мишел Платини, Эйсебио, Бобби Мур, Муҳаммад Али, Жо Фрезер сингари машҳур жаҳон спортчилари Мадонна, Силвестер Сталлоне, Эдди Мерфи каби санъат юлдузлари кийган.

Яқин орада Ўзбекистоннинг ҳам ўз «адидаси» бўлиши, у ҳам жаҳонга машҳур бўлишига умид қиламиз.

## ЖАҲОНДАГИ БОЙВУЧЧА ҚИЗ

**Афина исмли қизнинг бойликлари мил-мил эмиш. Шу ростми?**

**Холбека ТЎРАЕВА.**
**уй бекаси.**

Ҳа, рост. Бу йил ўн ёшга тўлган Афина Руссель яна орадан саккиз йил ўтиб, жаҳондаги энг бой қайлиққа айланади. У вояга етган куни миллиардлаб пуллар, ҳатто Скорипос исмли орол ҳам шу қизнинг тасарруфига ўтади. Грек мултимиллиардери Аристотель Онассиснинг у ягона меросхўри. Чунки Аристотель ўз ўлимидан бир неча ой олдин 1975 йилда ягона ўғлидан айрилганди. Бундан етти йил олдин эса Афинанинг онаси Кристина ҳам вафот этган.

Ҳозир Афинани тақдир шамоли Швейцарияга олиб бориб ташлаган. У бу ерда отаси Терри Руссель ва иккинчи, яъни ўгай онаси «Габи хоним» билан яшамоқда. Ўгай бўлса ҳам синглиси ва укаси бор. Французча гаплашади. Куйиб-пишиб ўқияпти, гимназияга кириш учун тайёрланяпти. Жуда одобли. Ҳатто, ўриндан туришга ҳам рухсат сўрайди. Отда сайр қилишни яхши кўради.

Ҳозирча, айтишларига қараганда, Афина Русселда «Миллиардерлик» кўринишлари намоён бўлганича йўқ. Балки қанча бойликка эга эканлигини у билмаса ҳам керак.

Толиб САЪДУЛЛАЕВ
тайёрлади.

*Туйғулар*

## АЖОЙИБ ҲАЁТ

Талабалик йиллари — ёшликнинг энг гўзал онлари. У сизнинг олдингизга ўзига хос талабларни қўяди. Умр дарчасидан мўралаганингизда энг сокин ва шу билан бирга сершовқин бир палла — талабаликни кўрасиз.

Талабалик даврини ҳар ким ҳам ўзича ҳис этади. Бу олам билан яқиндан танишмоқчи бўлсангиз Талабалар шаҳарчасига боринг. У ерга қадам қўярkансиз, сизни таниш ва ҳузурбахш бир ҳис чулғаб олади. Бу ерда гўзаллик, жўшқинлик, чинакам ёшлик ҳукмрон. Бу масканнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, қоидалари — ҳаёт тарзи мавжуд. Буни фақат талаба бўлиб кўрган кишиларгина тушунишади.

Баъзилар талабаликни беташвиш, бепарво давр дейишади. Менимча талабанинг ҳеч бир куни ташвишсиз ўтмаса керак. Эрталаб дарсга кечикмасликка аҳд қилган, аммо қуёш тиккага келганда уйғонган талаба нонуштани ҳам насия қилиб, дарсга югуради. Домлага янгидан-янги баҳоналарни топиб, хонага кириб олса бўлгани! Сўнг навбатдаги режаларни туза бошлайди. Бир кўзи тинмай гапираётган домлада-ю, бир кўзи соат милларида!

Тушлик пайтида иккита сомса билан қаноатланган талаба севгилисини кинога таклиф этаётиб, қимматбаҳо шоколадлар, музқаймоқлар харид қилса — ажабланманг. Керакли дарсликларни сотиб олишга пули етмаганлари ҳам курсдошларининг туғилган кунига гул кўтариб келади. Бу шунақа бир давр. Талаба учун китоб, кийим-кечак, магнитофон кассетаси сингари муҳим нарсаларнинг тайинли эгаси бўлиши мумкин эмас. Фақат кимдир уларни биринчи бўлиб харид қилиши ва ётоқхонага келтирса — бас. Сессия яқинлашгач ёзув дафтарлари ноёб буюмга айланади. Дафтарнинг беминнат эгалари эса имтиҳонлар тугагунга қадар ҳурматли кишилар сафидан ўрин олишади.

Бу даврда ёшлар севги оламига рўбарў келадилар. Муҳаббатнинг серташвиш, шу билан бирга роҳатбахш ва изтиробли лаҳзалари уларни ўз оғушига олади. Мусиқа оламининг раҳнамо қўшиқлари биринчи бўлиб, шу масканда янграйди.

Шу сабаб бўлса керак, ўқишни тугатиб талабалик билан хайрлашган киши бу даврларни эслаганда қалбида аллақандай соғинч ҳисларини туяди, қўмсайди, хўрсиниб-хўрсиниб қўяди...

Бахтиёр СУЛТОНОВ,
*Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг толиби.*

*«Маҳалла» дастури — амалда*

## БАҲС, МУНОЗАРА ТАРЗИДА

Чилонзор туманида «Маҳалла» дастурини амалга кенг тадбиқ қилиш, ўз-ўзини бошқариш органи сифатида маҳалла қўмиталари фаолиятини кучайтириш, мактаб-маҳалла, корхона-маҳалла каби ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Туман ҳокимининг ўринбосари, маҳалла оқсоқоллари кенгашининг раиси Обид Аҳмедов бошчилигида комиссия тузилиб, оқсоқоллар ва маҳалла котибларининг аттестациядан ўтказилганлиги уларнинг фаолиятини янада жонлантириб юборди.

Яқинда тумандаги Шўтурсун Ғуломов номли маҳалла гузарида ўтказилган «Маданий-маърифий ишлар фаолиятини янада такомиллаштиришда мактаб, маҳалла ва маданият уйларининг тутган ўрни» мавзуидаги давра суҳбати туман маҳаллаларида амалга оширилаётган хайрли тадбирлардан бири бўлди. Оқсоқоллар ва барча маҳалла аҳлининг дилидаги энг долзарб муаммолар муҳокама қилинган ушбу давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ва Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан уюштирилди.

Тўкин дастурхон атрофига нуроний қариялар, зиёлилар, мактаб мутасаддилари, кекса онахонлар таклиф этилдилар. Файзли даврани «Чилонзор» маҳалласининг оқсоқоли Омонулло ҳожи Муталов кириш сўзи билан очди. Суҳбат ҳаммани ўйлантираётган, долзарб муаммолар хусусида кексалар, зиёлилар ва маданият ходимлари ўртасида қизғин баҳс-мунозаралар тарзида бўлди. Элшунос олим, тарих фанлари номзоди Билол Аминовнинг билдирган фикрлари якдил қўллаб-қувватланди.

— Нега фарзандларимиз бозорларга югуришяпти? Нега баъзи ёшлар ҳарбий хизматдан бўйин товлашга ҳаракат қиляптилар? Тўй ва маросимларда ортиқча чиқимлар, кераксиз удумларга нега йўл қўйиляпти? Одамлар ўртасида аҳлоқий меъёрлар бузилиш ҳоллари нега кўпайяпти?

Ана шундай долзарб саволларга бой ҳаётий тажриба соҳиблари бўлган нуроний кексалар, зиёлиларнинг жавоблари тингланди.

Чилонзор тумани маданият уйининг бир гуруҳ бадиий ҳаваскорлари, Муқимий номли театр артисти Абдухолиқ Мамарасулов ва бошқа санъаткорлар давра иштирокчиларининг хизматида бўлдилар.

Суҳбатда шунингдек, таниқли олим, фалсафа фанлари доктори, профессор Қўчқор Хоназаров, Тошкент шаҳар маданият ишлари бош бошқармасининг бошлиғи Саид Олимхўжаев, таниқли шоир Нормурод Нарзуллаев ва бошқалар қатнашиб, дил сўзларини изҳор этдилар.

Кеча сўнгида меҳмонларга одатга мувофиқ ош тортилди. Йиғилганлар бу давра айни муддао бўлганлигини айтишиб, уни бошқа маҳаллаларда ҳам давом эттиришга келишиб олдилар.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

*Бўш вақтларингизда*

## ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Энига: 5. Миллий спорт мусобақаси. 6. Камёб, чопқир жонивор. 10. Турли рангдаги ипак билан тикилган дўппи тури. 15. Аланга зарраси. 16. Вақт ўлчови. 23. Чақадиган ҳашарот — жониворларнинг умумий атамаси. 25. Ер сиртида ҳосил бўладиган қорсимон ёғингарчилик. 26. Шахмат бўйича америкалик жаҳон чемпиони.

Бўйига: 7. Миллий нон тури. 8. Билиш, тушуниш қобилияти. 9. Одам ва ҳайвонларнинг сафро ишлаб чиқарадиган аъзоси. 11. Таомга зиравор сифатида ишлатиладиган жануб ўсимлиги. 12. Атом ядроси таркибидаги электр зарядидан ҳоли бўлган зарра. 17. Шамсия йили ҳисобидаги ой номи. 18. Ўзбекистондаги газеталардан бири. 19. Йилда икки бор ўтадиган Ислом динидаги байрам маросими.

Ейлар бўйича: 1. Ёзувчи ва адиб Сайёр қиссаси. 2. Поясидан ширинлик олинадиган ўсимлик. 3. Баланд ва тик ўсувчи дарахт. 4. Мусулмон йил ҳисоби. 13. Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғли, ҳукмдор. 14. Чизмачилик қуроли. 20. Спорт ўйинларидаги қўриқчи. 21. Мақсуд Шайхзоданинг мўғул босқинчиларига қарши курашган халқ қаҳрамони ҳақидаги драмаси. 22. Адабий асар тури. 24. Австралия давлатининг йирик иқтисодий маркази бўлган шаҳар.

Фозилжон ОРИПОВ.



Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

